

Ризо | Тазкия дарслари (289-дарс)

ТАЗКИЯ
289-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллохнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

A circular portrait of a man with a white beard and a white turban, wearing a light-colored jacket, speaking into a microphone. The background of the portrait is a patterned wall.

19:00 / 07 июль 845

Бизнинг тилимизда «розилик», «рози бўлиш» шаклида ишлатиладиган маъно араб тилида «ризо» дейилади ва «сахат» – норозиликнинг тескарасини англатади.

Ризо ҳақида бир-бирини тўлдирувчи таърифлар келган:

Муновий: «Ризо инсоннинг ўзига етган мусибат ёки етмай қолган яхшиликни ўзгармасдан, нафсоний яхшилик билан қабул қилишидир», деган.

Баъзилар: «Ризо қазонинг аччиғига нисбатан қалбнинг суруридир», деганлар.

Яна: «Ризо қайси ҳукмда бўлса ҳам, жазаънинг (сабрсизликнинг) бўлмаслигидир», дейилган.

Бошқалар: «Ризо ҳукмни хурсандлик билан кутиб олиш», дейишган.

Яна: «Ҳукмлар жараёни остида қалбнинг сокин бўлиши ризодир», дейилган.

Уламолар ризони икки турга тақсимлаганлар:

Биринчи тур:

Ўзига амр қилинган нарсани адо қилишга ҳамда наҳйи қилинган нарсани тарк қилишга рози бўлиш. Бунинг ичига Аллоҳ таоло мубоҳ қилган нарсаларни ҳаддан ошмаган ҳолатда бажариш ҳам киради.

Аллоҳ таоло ризо ҳақида бундай марҳамат қилади:

وَقَالُوا وَرَسُولُهُ، اللَّهُ، آتَاهُمْ مَا رَضُوا أَنَّهُمْ وَلَوْ

اللَّهُ إِلَىٰ إِنَّا وَرَسُولُهُ، فَضَّلَهُ، مِنَ اللَّهِ سَيُوتِينَا اللَّهُ حَسْبُنَا



«Улар Аллоҳ ва Унинг Расули уларга берган нарсалардан рози бўлганларида ва «Бизга Аллоҳ етарлидир. Бизга тезда Аллоҳ Ўз фазлидан беради ва Расули ҳам. Албатта, биз Аллоҳга рағбат қилувчилармиз», деганларида эди...» (Тавба сураси, 59-оят).

Бу юқори одоб намунасидир. Аллоҳ таоло ва Унинг Расули нима берса, шунга чин қалбдан рози бўлиш иймоннинг талабидир. Мўмин-мусулмон дилидагина рози бўлиб қўявермай, уни тилига ҳам чиқариб айтади. Келажакда ҳам доимо Аллоҳ таолонинг Ўзигагина рағбат қилишини таъкидлаб айтади.

Бу турдаги ризо вожибдир. Шунинг учун ҳам Қуръони Каримда бу каби ишларда ризони тарк қилганлар қораланган.

Иккинчи тур:

Камбағаллик, беморлик ва хорлик каби мусибатлардан ризо бўлиш. Уламолар бу ризонинг ҳам вожиблигини таъкидлаганлар. Баъзилар уни мустаҳаб деганлар.

Аmmo кофирлик, фосиқлик ва осийликка рози бўлиш мумкин эмас.

Қуръони Каримда ризо ҳам Аллоҳ таолога, ҳам бандага нисбат берилган.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

عَنْهُ وَرَضُوا عَنْهُمْ اللَّهُ رَضِيَ

«Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Ундан рози бўлдилар»

(Баййина сураси, 8-оят).

Яъни Аллоҳ таоло уларнинг бу дунёда қилган иймон-эътиқодлари ва тоат-ибодатларидан рози бўлди.

Мўмин бандалар ҳам ўзларига берилган олий мартабалар ва яхшиликлар учун Аллоҳ таолодан рози бўлдилар.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.